

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ

6
—
2017

Тошкент

Жалилов Ш.К.	
Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика корхоналарини солиқقا тортишнинг илғор хорижий тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари..	74
Умарова М.А.	
Иқтисодиётда кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогноз қилиш борасидаги ақш тажрибаси.....	77
Ғаниев Ш.В.	
Бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.....	81
ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ОТРАСЛЕВАЯ ЭКОНОМИКА	
Суннатов М.Н.	
Интеллектуал мулк натижаларини рағбатлантиришнинг институционал механизми.....	86
Хусанов М.С.	
Замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасини роли ва аҳамияти....	93
Бердиев С.Р.	
Озиқ-овқат саноатини ривожланишида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг аҳамияти.....	96
Дусматов Б.О.	
Ўзбекистон Республикаси агросаноат ишлаб чиқариши рақобатбардошлигини оширишнинг кластерли механизми.....	100
Мурадов Б.А.	
Чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш омиллари	105
МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ТРУДА	
Умурзаков Б.Х., Юлдашев Н.Н.	
Меҳнат ресурслари баланслашганлигини ўрганишнинг илмий-назарий асослари ва хориж тажрибаси.....	108
Шоюсупова Н.Т., Абдураманов Х.Х.	
Ўзбекистонда ишсизларни касб-хунарга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.....	117
Атаниязова М.Б.	
Миллий меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш..	121
Улугмурадова Н.Б.	
Кичик бизнесда меҳнат муносабатлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	125
САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТЬ	
Хужакулов Х.Д., Сайфуллаев С.Н.	
Ўзбекистон саноати тармоғининг таркибий ўзгаришларини халқаро таснифлаш асосида статистик ўрганиш.....	129
Ботиров О.Б.	
Факторы конкурентного преимущества и методы оценки конкурентоспособности предприятий.....	135
ЛОГИСТИКА ВА КОММУНИКАЦИЯ ЛОГИСТИКА И КОММУНИКАЦИЯ	
Маматқулов М., Мухторова Н.	
Сотиш (тақсимлаш) жараёнлари логистикасини бошқариш методологияси.....	141

ЗАМОНАВИЙ ИҚТІСОДИЁТДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНІ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Хусанов Муроджон Суннатуллаевич

Ассистент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мазкур мақолада хизматлар соҳаси, хизматлар бозори ва унинг ўзига хос хусусиятларининг назарий жиҳатларда тадқиқ қилинганд. Хизматлар соҳаси тушунчасига таъриф берилган. Хизматлар соҳасини иқтисодий ва ижтимоий функциялари ёритилган, шунингдек, унинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти кўрсатилган.

Таянч тушунчалар: хизматлар соҳаси, хизматлар бозори, сервис хизматлари, хизматлар соҳаси маҳсулотлари, иқтисодий функциялар, ижтимоий функциялар, хизматлар турлари, хизматлар бозорининг ўзига хос хусусиятлари, хизматлар соҳасини ривожлантириш.

Аннотация. В данной статье исследованы теоретические аспекты сферы услуг, специфика рынка услуг и их особенности. Излагаются определения самого понятия сферы услуг. Показаны экономические и социальные функции сферы услуг, а также роль и значение сферы услуг в экономике Узбекистана.

Ключевые слова: сфера услуг, рынок услуг, сервисные услуги, продукция сферы услуг, экономические функции, социальные функции, виды услуг, особенности рынка услуг, развитие сферы услуг.

Хизматлар иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланаётган ва энг истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти кенг қамровли соҳаларга эга: савдо ва транспортдан, молия, суғурта, турли хил воситачилик ва ҳ.к. Шунингдек, меҳмонхоналар ва ресторанлар, кир ювиш хоналари ва сартарошхоналар, ўқув ва спорт муассасалари, банклар, санаториялари, туристик фирмалар, радио ва телестанциялар, маслаҳат фирмалари, тибиёт муассасалари, музейлар, кино ва театрлар ҳам хизматлар соҳасига киради. Амалиётда дәярли барча ташкилотлар, у ёки бу даражада хизматлар кўрсатади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ҳамда бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам хизматларни турли янги хиллари пайдо бўлиши натижасида хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Хизматлар то улар кўрсатилмагунга қадар мавжуд бўлмайди. Демак, хизматларни то улар кўрсатилмагунга қадар таққослаш ҳамда баҳолашни амалга ошириб бўлмайди. Факат кутилаётган фойда ва ҳақиқатда олинган натижаларни таққослаш мумкин.

Хизматларга юқори даражадаги мавҳумлик ҳам хосдир, бу эса мижозни

нокулай ҳолатга тушуриб қўяди, хизматни кўрсатувчилар эса хизматларини бозорга ўйналтиришда қўйналадилар.

Хизматлар бозорининг ушбу ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, уларни кўриб, ушлаб, сақлаб бўлмаслик, сифатини тез-тез ўзгариб туриши, ишлаб чиқаришни ва истеъмолни бир-бираидан ажратиб бўлмаслик – хизматлар маркетингининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбай ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан мазкур соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаёт фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Хизматлар соҳаси буғунги кунда мураккаб, кўпқиррали механизм бўлиб, лекин замонавий иқтисодиётимизни энг истиқболли ва тез ривожланаётган тармоғи ҳисобланаби, у ўз ичига савдодан тортиб транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, спорт, майший ва коммунал хизматлар, техник хизматлар, банк, молия, суғурта, туризм, аудиторлик-консалтинг хизматлари, дам олиш уйлари, санаториялар, музейлар каби кенг фаолиятни ўз ичига олади.

Бунга мисол қилиб, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги ҳиссаси 2000 йилда 38 фоизни, 2010 йилда 49 фо-

изни ва 2015 йилга келиб 54,5 фоизни ташкил этганини кўрсатиш мумкин. Бугунга кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоизидан ортиғи шу тармоқда меҳнат қўймоқда. Ҳар йилги янги яратилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан ортиғи шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бугунгу кунда хизматлар таркиби ҳам ўзгариб бормоқда; яъни мобиль алоқа, юқори тезлиқда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Сўнгги беш йилда мамлакатимиз бўйича анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга кўтарилиди.

Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари тез ривожланниб, ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробарга ўсди. Мамлакатимизда 2013 йилда “2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш” дастури қабул қилинди.

Интернетдан фойдаланувчилар сони бугунги кунда 10 млн.дан ошиб кетди ёки мамлакатимиз аҳолисини учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Мобиль телефондан фойдаланувчилар сони эса 20 млн.дан ошиб кетди.

Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари тез ривожланиб, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қўймоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида 80,4 минг кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда ва улар хизмат кўрсатиш корхоналари умумий сонини 80 фоизидан ортигини ташкил этмоқда.

Айни пайтда қишлоқ жойлардаги хизмат кўрсатиш, шаҳардагидан сезиларли даражада ортда қолмоқда. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш дастури доирасида сўнгги уч йилда хизматлар ҳажми 1,6 баробар, қишлоқда киши бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробарга ошди.

Хизматлар бозори - ноишлаб чиқариш соҳаси корхоналарининг меҳнат натижалари ҳисобланувчи хизматларни айирбошлиш соҳасидир.

Хизматлар материал товарлардан фарқланувчи хизматлар соҳаси табиати, хусусиятлари бозор иқтисодиётининг умумий қонунларга бўйсунувчи товар бозори билан унинг турли туманликларидан бири

сифатида яхлитлиқда кўриб чиқилувчи хизматлар бозорининг ўзига хослигини ифодалайди. Гарчи хизматлар бозори товарлар бозори билан кўплаб ўхшаш томонларга эга бўлса-да, хизматлар табиатининг ўзига хослиги билан ифодаланган бозор томонидан мувофиқлаштиришнинг баъзи ўзига хосликлари мавжуд, бу эса хизматларга бўлган талабларнинг қондирилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик ва маркетинг фаолиятига алоҳида ёндашувни талаб этади.

Хизматлар бозорининг ўзига хос хусусиятлари, авваламбор қуйидагилардан иборат:

- бозор жараёнларнинг юқори динамиклиги - хизматларнинг тақдим этилиши инсон эҳтиёжларини бевосита қондириш мақсадига эга;

- худудий сегментлашувида - хизматлар, талаб ва хизматларни тақдим этиш бўйича корхоналарнинг амал қилиш шартларини тақдим этиш шакллари муайян бозор томонидан қамраб олинган худуднинг тавсифларига боғлиқ;

- капитал айланмасининг юқори тезлиги билан - нисбатан қисқа ишлаб чиқариш оқибати ҳисобланувчи хизматлар соҳасида бизнеснинг асосий устунликларидан бири;

- бозор конъюнктураси ўзгаришига юқори сезирлиқ - хизматларни сақлаш, омборлаштириш ва жўнатишнинг иложи йўқлиги, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмоли вақтинчалик ва муҳитли мос келиши билан ифодаланган хусусиятлари;

- хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ўзига хослигида - катта мобилликка эга бўлган ҳолда хизматлар субъекти ҳисобланувчи кичик корхоналар конъюнктуранинг ўзгаришига қайишқоқ таъсирланниш учун кенг имкониятларга эга;

- хизматлар кўрсатиш жараёнининг ўзига хослигида - ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг шахсий алоқаси, бир томондан коммуникатив алоқаларни кенгайтириш учун шароитлар яратади, бошқа томондан - ишлаб чиқарувчининг касб-малака сифатлари, тажриба, этика ва умумий маданиятига бўлган талабларни оширади;

- хизматларни юқори даражада табақалаштиришида - хизматларга талабни диверсификация, персоналлаштириш ва индивидуаллаштириш хизматлар соҳасида инновацион фаолиятга муҳим рағбатлар сифатида кўриб чиқилади, чунки талабнинг муҳим рағбати янги, ностандарт хизматларни ифодалайди; янги-хизматларни излаш бозор талабини тўйинтириш бўйича кўпроқ ривожланган перманент жараёнларга айланади;

- хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият натижаларининг ноаниқ кўплаб ҳолатларда

ишлаб чиқарувчининг турли сифатларига таъсир этишга учраган хизматларни кўрсатиш бўйича фаолият натижаси, етарлича аниқликда олдиндан белгилай олмайди; натижани якуний баҳолаш хизматлар истеъмол қилингандан сўнг амалга оширилиши мумкин;

- хизматлар кўпинча маҳсулотлар билан қиёсланади, гарчи саноатда товарлар савдоси билан боғлиқ ускуналарни таъмирлаш, савдодан кейинги хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олиши мумкин бўлган хизмат кўрсатиш турлари роли ортиб боради. Кўп ҳолларда хизматларда, маҳсулот элементи мавжуд, маҳсулотлар сотишда хизматлар элементи мавжуд десак тўғрироқ бўлади;

- товарлар савдосининг узвий боғланиши ва хизматлар тақдим этилиши хизматларни ажратиш ва ҳисоблашни қийинлаштиради;

- хизматлар соҳаси, одатда давлат томонидан моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хорижий рақобатдан кўпроқ ҳимояланган. Ўндан ташқари, аксарият мамлакатларда транспорт ва алоқа, молия ва суғурта хизматлари, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар анъанавий тарзда тўлиқ ёки қисман давлат мулкида бўлади ёки давлат томонидан қатъий назорат қилинади; аксарият мамлакатлар ҳукуматларининг фикрига кўра, хизматларни импорт қилиш миллий хавфсизлик ва мустақилликка таҳдид солиши мумкин, шунинг учун у товарлар савдосига нисбатан қатъйроқ тартибга солинади.

Шундай қилиб, товарлар бозорига нисбатан хизматлар бозори маълум конъюнктуралилиги ва бетакрорлиги билан фарқланади. Бунда хўжалик юритувчи субъектининг мустаҳкамлиги тўғрисидаги масала кескин туради.

Хизматлар бозорини шакллантирувчи омиллар орасида техника ва технологияни ривожлантириш даражаси, хомашё салоҳияти, хизматларга талаб даражаси, бозор нархлари даражаси, солиқ тартиби ва дотация даражасини ажратиш мумкин. Телекоммуникация ва компьютерлаштиришни ривожлантириш, хизматларни амалга оширишда шахсий алоқаларнинг заруратини қисқартиради. Технологик жараён билан маҳаллийлик бартараф этилади, бозор янада ошкорлашади, янада байнамиллашади.

Хизматлар бозори классик турдаги эркин бозор талабларига жавоб беради; у монополлаштирилмайди, чунки хизматларни ишлаб чиқариш алоҳида жойлаштирилган. Хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этишининг кенг тарқалган шакли хусусий ва жамоавий мулкка асосланган кичик корхоналар ҳисобланади. Хизматларнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги нафақат ишлаб чиқариш миёсини тежаш, балки хизматларнинг турли-туманлиги ва сифатини тежаш ҳисобига таъминланади.

Юқорида келтирилган барча фикрлар замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасининг роли ва аҳамиятин ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. //Халқ сўзи, 08.02.2017 й. №28
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлили.
4. Бурменко Т.Д., Даниленко Н.Н., Туренко Т.А. Сфера услуг: экономика: учеб. пособие. – М.: КНОРУС, 2007 г.
5. Дианова С.Н., Штезель А.Э. Маркетинг сферы услуг: учеб. пособие. – М.: Магистр: ИНФРА – М, 2015 г. – 192с.
6. Хлебович Д.И. Сфера услуг. Маркетинг: учеб. пособие / под. ред. Бурменко Т.Д., - М.: КНОРУС, 2007 г.